



АДОЛАТ



Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1998 йил, 17 июль, № 28 (171) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Юбилей иншоотлари қурилишида

САЙИЛГОХ ЧИНАКАМ САЙИЛГОХ БЎЛАДИ



Ватанимиз пойтахти — Тошкент кундан-кунга чирой очиб, гуркираб, яшнаб бормоқда. Бу ўзгаришлар айниқса, кейинги йилларда кўза яққол ташланаяпти. Янгитдан барпо этилаётган кўча ва хибонлар, мухташам бинолар ҳамда қатор маданий-маиший иншоотлар шаҳар хуснига хусн қўшаяпти, унинг чиройини очмоқда.

Узига хос шундай иншоотларнинг яна бири пойтахтнинг Матбуотчилар, Ота-Турк ва Сайилгох кўчалари туташган жойда қад ростламолда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги шодифаналарига асосий қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тути-

қармалари қурувчилари иш ни уч сменада олиб бормоқдалар. Қурувчилар ўз навбатида бинонинг сифатли ва бежиримли қурилишига шарқона қиёфага эга бўлишига алоҳида аҳамият бермоқдалар.

12-қурилиш трести ҳиссасдорлик жамиятига асосий ва қўшимча ишлари бажарилишида «Метроқурилиш», «Саноатфурқурилиш», «Узгроқурилиш» трестларининг бошқармалари ҳам яқиндан кўмак бермоқдалар. Бино пастки қисмида жойлашадиган газ ражнинг автоероғоти йўли тийёрлашда ҳамда би-

нонинг ён атрофларини ободонлаштиришда ёрдамчи кўчларнинг ҳиссалари салмоқли бўлаяпти.

Айниқса, 50-қурилиш бошқармаси бошлиғи Шавкат Тулаганов ва қурилиш сарқори Қўрамон Аҳмедниёзов бошчилигидаги бошқарма ишчилари кун тун меҳнат қилишиб, янги бинонинг тез суръатлар билан қуриб битказилишига катта ҳисса қўшмоқдалар. 12-қурилиш трести ҳиссасдорлик жамиятининг бошқарувчиси Б. Зокировнинг таъкидлашича, уч қаватли бу янги мухташам бино фарб ва шарқ меъмори-

пайтахтликлар ва Тошкент шаҳри меҳмонларини мафтун этади...

Ҳикматуллох ҚОДИРОВ,
«Адолат» мухбири.

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонидан лавҳалар: 1. 12-трест 50-қурилиш бошқармаси прораби Қўрамон Аҳмедниёзов. 2. Бинонинг умумий қурилиши. 3. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Рустам Муллажонов (ўртада) шогирдлари билан. Хусанбой АБВЛЛОВ олган суратлар.



Самарқанд вилояти галлакорлари ўтган ҳафтада мамлакат галла мустақиллигини таъминлаш йўлида ажойиб меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Давлатга 217 минг тоннадан ортиқ галла сотилиб, режа муваффақиятли уудланди.

Вилоят миришкорларининг бу ютуғида галла уруғчилигига ихтисослашган Тайлоқ тумани деҳқонларининг салмоқли улуши бор. Тумандаги биргина Улугбек номли жамоа ҳўжалиги галлакорлари Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти олимлари билан ҳамкорликда бугдой ва арпаннинг унга яқин серхосил ва истикболли навларини яратишди. Хусусан, «Улугбек-600», «Сангзор», «Темур», «Зафар» навлар-

ри вилоят шароитига гоят мос келиши билан ажралиб туради. Бу йил ана шундай навли галладан ҳўжалик 3 минг тонна уруғлик ҳосил етиштирди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳўжалик раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими Мусоҳон Тўраев. 2. Комбайнлар галлазорда. 3. Пешқадам комбайни Идрис Ғаниев. 4. Галлачилик бригадари Алишер Беғимов ва 3-бўлим бошқарувчиси Нурилла Ғафиев.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ олган суратлар.

Воқеа содир бўлган жойдан репортаж

Шоҳимардон:

ТАБИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА



Узининг бетакор манзарасио гўзал табиатига эга бўлган Шоҳимардонда рўй берган табиий офат ҳаммани ларзага солди. Айнан дам олиш кўни, ярим тунда, ҳали одамлар ширин уйкудан сармаст бўлиб ётган бир пайтда тоғлар бағридаги «Ойдинкул»дан отилиб чиққан сув тошқини чор атрофни босиб юборди. Табиатнинг бу сулим масканига катта талофат етказилди. Осууда уйкудаги одамлар қурбон бўлди. Йўллар, алоқа линиялари ишдан чиқди.

ла аъзоларига қандай моддий ёрдам курсатилётганини сураб-суриштирди. Ҳозирги асосий вазифа одамлар ва яна одамлар ҳақида гамхўрлик қилиш ҳар бир ўзбекистонлиқнинг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз, шунингдек, табиий офат натижасида ҳалок бўлганларнинг оилаларига чўқур таъзия изҳор қилди. Ҳозирча 90 дан зиёд қурбонлар аниқланиб, улар ҳалқимиз аъналарини, мусулмончилик қондалари асосида сўнгги йўл-

га қузилди. Аҳолига бир миллион сўмликдан зиёд доридармон тарқатилди. Эндиликда Шоҳимардонда етиб келган тўрт минг нафардан зиёд турли соҳа кишиларининг мадади билан вайрон бўлган уйлар, бузилган қўприқлар, талофат курган йўллар қайта тикланмоқда. Табиий офат оқибатлари тула бартараф этилаёпти.

СУРАТЛАРДА: Андижон вилояти йўл қурилиш бошқармасининг 15 нафар ишчиси билан 20 та техникаси бошқа ташкилотлар қатори сува тошқини талофатларини бартараф этишда фаол қатнашмоқда; 115 кишидан иборат олимпиада ёрдамчилар орасида «Ок бўйра» жамоа ҳўжалиги вакиллари Жума Давронов (чапдан ўнгга), Баёз Зоҳидов ва Мирзохид Абдуллаевларнинг меҳнатлари катта бўлмоқда.

Ғаниевон муҳаммадқодир олган суратлар.

ЮРТБОШИ ЎГИТАРИ

Биз тарих майдонидида кўни кеча пайдо бўлган миллат эмасмиз. Аксинча ўрта асрлардаёқ жаҳон цивилизациясига унутилмас ҳисса қўшган ва тафаккур осмонидида юлдуздай порлаб турган буюк алломаларнинг ворисларимиз. Бинобарин, биз ана шу улуг аждодларимизнинг шаъну шавкатига, ақлу заковатига, уларнинг ҳаётбахш, қўтлуг меросига ҳақиқат муносиб бўлмоғимиз керак. Фикрда, илму ижодда, дунёни идрок қилишда, Ватани иймон билан севишда мумтоз боболаримиз аъналарини мардона давом эттиришимиз, улар етолмаган тараққиёт чўққиларини эгаллашимиз даркор.

Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажиги, албатта порлоқ бўлади.

Моддий неъматларнинг яратувчиси — халқ, маънавий бойлиқлар эгаси — халқ. Халқнинг турмуш шароитини билган, унинг кўнглини олишга қурб етган раҳбарига одамларни бунёдкорлик ишларига етаклай олади.



«Қалдирғоч» қанот қоқди

Деновлик пиру бадавлат отахон Рустам бобо Туракулов Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни дунёга танитиш йўлида қилаётган беқиёс хизматлари учун чин дилдан миннатдорчилик билдириб, ўзи боқиб ўстирган «Қалдирғоч» номли зотдор, улоқчи отини йўлбошимизга совға этишни ният қилган эди. Отахоннинг бу эзгу орзулари яқинда амалга ошди. Ўз навбатида бу — азалдан чавандозу қурашчилар, пахлавон Алломишлар юрти бўлган Сурхондарёнинг оддий бир меҳнаткаш кишиси, дуоғу отахоннинг юртбошимизга қўнғил изҳори ҳамда эҳтироми ҳамдир.

Олтин олма, дуо ол

«Самарқандавтойул» ҳиссасдорлик бирлашмасининг кўприк қурилиш бошқармаси жамоаси яна бир савобли ишга бош қўшди. Улар буюк муҳаддис олим Имом ал-Бухорий мақбарасига олиб борадиган йўл-Оқдар ўстидаги мухташам кўприк қурилишини қизғин олиб бормоқдалар. Ҳозиргача 40 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилган мазкур иншоот мустақиллиқнинг 7 йиллигига фойдаланишга топширилади.

Истиқболга хизмат қилад

Андижонда янги очилган «Истиқболбанк» истиқболга хизмат қилад. Республика Марказий банки бу хусусий акциядорлик тижорат банкига банк фаолиятининг деярли барча турлари билан шўғулланиши учун рухсатнома берди ва рўйхатга олди. Мазкур банкнинг очилиши мамлакатимиз Президентининг 1997 йилнинг 27 апрелидаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан бажариш борасида қўйилган амалий қадамларнинг биридир.

«Эркакларни асранг аёллар»

Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри «Ойла йили»га бағишлаб ана шундай янги саҳна асарини санъатсевар муҳлислар эътиборига ҳавола этди. Драматург Тулабой Қаноатовнинг қаламига мансуб бу спектаклда оила, уни ҳар қандай шароитда ҳам авайлаб-асраш, эркак ва аёл муносабати, фарзанд тақдир, севи-муҳаббат, дуслик, меҳроқибат ҳақида гап боради.

Чиқинди даромадга яради

«Қаршиқурилишсановат» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли ёғочни қайта ишлаш заводидида ёғоч чиқиндисидан маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинди. Шу пайтга қадар ёғоч юбориладиган ёғоч чиқиндиси энди заводга мумаййиға даромад келтиради.

Мухташам ва замонавий

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида теннис ихлосмандлари учун яна бир қўлайлик яратилди. «Еш футболчи», «Соғлом авлод учун», «Нур алоқаси», «Уздунробита» ҳамда республика Давлат жисмоний тарбия қўмитаси ҳўмийлигида бир йўла иккита мухташам ва замонавий теннис корти қурилиб, ишга туширилди. Энди ўшбу кортларда Собир Раҳимов тумани ҳўқимлиги қошида ташкил этилган теннис клубининг етакчи мураббийси Лола Ғафарова қизқувчилар билан доимий машғулотлар олиб боради.

Кенг қамровли ягона иншоот

Тошкент вилоятининг Ёштакўприк божхонасида бунёд этилаётган қурилиш мажмуаси ҳадемай республикада кенг қамровли, намунали ягона иншоотга айланади. Божхона комплекси ишга тушган ва ерда қатор қўлайликлар юзага келади. Чет давлатлардан келатган ёғоч чиқиб кетатган юк машиналари ҳозиргидек турнақатор бўлиб навбат қўтиб қолмайди. Ҳар бир юк машинаси узоғи билан уч-тўрт дақиқада божхона қўриғидан ўтади. Иш сифати яхшиланади.

Танишинг!

ЯНГИ КОТИБЛАР

Аввал хабар берганимиздек, ўтган ҳафтада Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтган эди. Пленумда ташқарий масала кўрилиб, Тошкент вилоят партия Кенгашининг янги котиблари сайландилар. Қуйида улар билан танишасиз.

ИРГАШЕВ

Турғун Иргашевич,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент
вилояти Кенгаши биринчи котиби

Иргашев Турғун Иргашевич 1934 йил Тошкент вилояти-нинг Зангиота туманида ту-тилган. Миллати ўзбек. Олий маълумоти. 1956 йил Урта Осиё политехника олийгоҳини муҳандис-химик-технолог му-тахассислиги бўйича тугалла-ган. Техника фанлари номзо-ди.

У ўз меҳнат фаолиятини Тошкент ширша идишлари за-водида смена муҳандислиги-дан бошлаб, Бош муҳандис лавозимига чиққан. Турғун Иргашевич 1958—1963 йилла-ри Тошкент Абразив комбина-ти директори бўлган. 1966 йилдан то 1980 йилгача масъул лавозимларда ишла-ган. 1980—1989 йиллар Ўз-бекистон Саноат қурилиш материаллари вазирининг биринчи муовини лавозимлари-да ишлаб келган.



1989 йилдан бошлаб Тош-кент вилояти табиати муҳо-фаза қилиш қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келяпти.

Меҳнатдаги ютуқлари учун ҳукумат орден ва медалла-ри, Фахрий Ерликлари билан тақдирланган.

МЎЙДИНОВ

Маҳмуд Мўйдинович,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент
вилояти Кенгаши иккинчи котиби

Мўйдинов Маҳмуд Мўйди-нович 1939 йил Фарғона ви-лояти Қўқон тумани Қўмбос-ти қишлоғида турилган. Мил-лати ўзбек. Маълумоти олий. 1980 йилда Тошкент Олий партия мактабини тугалла-ган.

У ўз меҳнат фаолиятини дастлаб Фарғона вилояти су-ғориш тармоқлари бошқар-масининг қурилиш-монтаж идорасида ишчилардан бош-лаган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент кўн-галан-терия фабрикасида ишчи, «Ташсельмаш» заводида чи-лангар-тунуқачи ва кейинроқ пайвандчи бўлиб меҳнат қил-ди. 1982—1985 йилларда масъул лавозимларда ишла-ган.



Айни пайтда Тошкент ви-лояти табиати муҳофаза қи-лиш қўмитасида масъул ла-возимда ишлаб келяпти.


МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАБАРЛАРИ

БИШКЕК. Спирт контрабан-даси билан боғлиқ муаммолар мамлакат ҳукумати томонидан ташвишга солинмоқда. Негаки Киргизистонда контрабанданинг бу тури билан шугулланган тобора кенгайиб бораётган. Спирт мамлакатини яширин йўллар ёки қаблаки ҳужжатлар ёрдамида олиб чиқиш кетилаётган тўғрисида маълумот катта зарар етмоқда.

ДУШАНБЕ. Помир, Бадахшон тоғларидаги қор ва муз қатламларининг эригани боис Панж дарёсининг сатхи кескин кўтарилиб кетди. Шу тўғрисида натижада Тожикистоннинг Афғонистон билан chegaradosи бўлган Хатлон вилоятидаги ту-ғон ва баъзи бошқа иншоотлар вайрон бўлди.

АСТАНА. Қозғоғистон Рес-публикаси Президенти Н. Назарбаев БМТ Бош котибининг инсонпарварлик масалалари бўйича уринбосари Серджио Биелера де Мелло билан уч-рашди.

Бош котиб уринбосари жур-налистлар билан бўлган суҳ-бат чоғида Семипалатинск минтақасидаги экологик ва-зирлиги яхшилаш мақсади уч-рашувини бош мавзуси бўл-ганини айтиди. У ядро синовла-ри оқибатида ҳар қирған БМТ минтақасида аҳолисига БМТ 300 миң АҚШ доллари миқ-дорда ердам курашатишини маълум қилди. Унинг фикри-ча, Семипалатинскда бу бора-даги аҳвол хийла жиддийдир.



Республикамиз галла майдонларидаги пишиб етилган сара дон-ларни йиғиб териб олиб, нес-нобуд қилмай давлат хирмонига ет-казиб беришда галлакорларнинг хизматлари беқиёс бўлмоқда. Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил жадал суратлар билан уриб-йиғиб олиниб хирмонларга пешма-пеш топиришмоқда. Бу борада Фарғона вилоятининг Оқунбобоев туманидаги Аҳмад Яссавий ном-ли жамоа хўжалиқ галлакорлари ҳам алоҳида ибрат қўрсатишмоқ-

да. 483 гектар майдондан 44 центнердан ҳосил кўтариш уларнинг улкан мақсадига айланган. Шундай қорни ҳосил кўтариш ниятида Фарғона туманидаги Тожикон Шодиева номли богдорчилик жамоа хўжалиқ галлакорлари ҳам иш суръатига суръат қўшмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Т. Шодиев номли богдорчилик жамоа хўжа-лиги бошқаруви раиси Аҳмадхон Жўраев ижарачи Анвар Ма-саитов билан галла ўриладиган майдонларни кўздан кечи-

ришмоқда; хўжалик галлазорларида ўрим-йиғим қизгин бор-моқда; Оқунбобоев тумани прокурори М. Тешабоев А. Яс-савий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Йўлчиев ва ижарачи М. Аҳмадалиев билан ҳосилни тез фурсатда йиғиштириб олиш хусусида фикрлашмоқда.

Ҳанжон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган суратлар.

Маънавият сабоқлари

МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК – ТУБАНЛИКДИР

Инсоният заковатининг икки қашфиёти ер юзиди-га ҳар қандай ҳаракатнинг бирламчи асоси бўлди. Яъни ўз ўқи атрофида айланадиган гилдирақнинг қашф этилиши тўғрисида фазода ҳаракат қилиш им-конияти туғилди. Ўзунинг қашф этилиши билан эса маънавият олами ҳаракатга келди... Эндликда маънавий дунёнинг ҳамма ҳаракати китобга боғлиқ бўлиб қолди.

— Моддий дунё самолари-да ҳаётнинг намоён шакллари-ни биз маданият деб атаёмиз. Китобсиз бу маданиятнинг бў-лишига имкон бўлмайди. Би-нобарин, туркий халқларнинг инсониятнинг мана шу бебаҳо маънавий қашфиётига эзига ҳос ҳисса қўшганлиги туркий манбалардан яхши маълум. Эрамадан олдинги 4-5 асрдан бошланган, Марказий Осиё-дан топилган скиф даврига оид тасвир асарларини дейсизми, туркий илгарироқ юзга келган туркий мифлари эслайсизми, 6-7 асрлардаги Урхун-Энсай о-битларини айтасизми, ҳам-ма-ҳаммаси туркий халқларнинг бутун жаҳон маданияти тари-хига қўшган тенгсиз ҳиссаси-нинг ёрқин далилидир. Туркий тилларда қадимдан китоб, хо-сусан, билим юксак илҳомий тўғру даражасида эъзоланган. Жумладан, буюк бобоқалони-миз Маҳмуд Қашғарийнинг мутабар «Девони лугатит турк» асарида билимсизликдан нафратланиш тўғрисида ўз ифода-сини топан.

Юсуф Хос Ҳожиб эса ўзи-нинг машҳур «Қутадгу билиг» асарида мамлакатда юз бер-ган иқтисодий ўзгаришларни, эл-юрт фаровонлиги халқнинг зулму-ситамлардан фориғ бў-лишларини ҳам билимдонлик билан боғлаган. Бу улғу қараш-лар барча даврлар учун бир-деқ қимматлидир. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг мус-тақиллигини ҳам давриданқо-маънавият ва маърифат маса-лаларида алоҳида эътибор қи-ратиб келишга беҳиж эмас. Президентимиз томонидан и-золанган ва ҳаётга таъдиқ ет-тирилган қатор фармонлар юр-тишимизда маънавият ва маъри-фатни янада юксалтиришга қи-ратилган тўғрисида ҳар қан-ча гапирсак оз.

Хўш, инсонни қомит эғси-га айлантирган бирдан-бир во-сита китобга бўлган муносабат, ҳусусан китобхона билан қан-дай аҳолида? Китобхоналик та-назуулининг асосий сабаблари

эмас, балки анча илгарироқдан қузаитиш ҳақиқатга яқинроқдир. Маълумки, Чор маъмурияти ўл-да китобхоналикнинг ривожла-нишига тиш-тирноғи билан қарши турдилар. Маълумотларга қара-ганда Туркистонда биринчи бо-сма китоб нашр этилгандан сунг ўтган ярим аср (1868-1918) мо-байнида ўзбек тилида атиги 79 китоб нусхада, бор-йўли 33 номда китоб босиб чиқарилган ҳолос. Бу ҳар ун миң кишига аранг 0,2 босма нусхада турти келади. хо-лос. Улладаги энг йирик ҳисоб-ланган Туркистон халқ кутубхо-наси ҳам асосан амалдорларга хиз-мат қўрсатган.

Турғунлик йилларида эса ку-тубхоналарга асл маънаводаги маърифатхона сифатида эмас, аксинча сиёсий ўқоқ сифатида муносабатда бўлиди. Маърифат хазинасини адабиётлар, даврий нашрлар билан тулдирдиша пар-тиявийликка қатъий биринчи ки-лиди. Яъни, китоб сотиб олиш учун ажратилган пул аввал фирқа ада-биётлари ва даврий нашрлар ха-ридида сарф қилинди. Натижада Ўзбекистон зиёноналарини мил-лий тилдаги адабиётлар билан таъминлаш 30 фоизга, баъдий ва бошқар адабиётига бўлган эъ-тибор эса 20-25 фоизга тушиб қолди.

Оқибатда зиёноналар йилдан-йилга ўз ўқувинини йўқота бош-лади. 1990 йилда кутубхоналарга аъзо бўлган китобхоналар сон-и умумий аҳолининг бор-йўли 32,3 фоизини ташкил этди, ҳолос. Аввал баъзи вилоятларда янада аянчли эди. Бу қўрсаткич Тош-кент шаҳрида 18 фоизни, Қашқа-дарё вилоятида 22,8 фоиз бўл-ганлигини қандай изоҳлаш мум-кин. Қолаверса, собиқ Иттифоқ даврида бир кишига кутубхона хизмати қўрсатишга кетган ҳара-жат ҳам бир текис эми эди.

Оқибатда биз қайд қилган ва матбуот имкониятидан келиб чи-қиб тилга олинмаган яна қатор таъсирлар сабаб уллада китоб-хоналик бирмунча сувайди. Истиқ-лол муносабати билан китобхо-наларни ўзбек тилидаги адабиёт-лар билан ўзлуксиз таъмин этиш борасида қатор ютуқларга эри-шилди. Айниқса, илгари халқ кў-зидан йироқ тутилган муқаддас нодир асарлар нашри кенг йўлга қўйилди. Айрим турдаги нашрлар-га эса давлат қумаги жорий қи-линди. Ийрик кутубхоналар учун хорижий давлатлардан китоб ха-рид қилиш ишлари тўғрисида ҳам

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, Муҳаммаджон АХМЕДОВ.

Истиқлол мадҳи

БИЗНИНГ ВАТАН



«Тушда кўрдим янги дунё,
Ғазабдан озод,
Уни тинчлик этар зебо,
Ишқ этар обод...»

Ленгстон Хьюз.
(АҚШ)

Тушда кўрган янги дунёнг,
Бизнинг Ватандир.
Ишон, дўстим, қолмагин танг,
Ҳақиқатдир.

Одамларин ғазабимас,
Меҳридор дарё.
Тинчлик сўзи тилидамас,
Дилига ҳам жо.

Бир Ватанким юртлар ундан,
Олур андоза.
Қолишмас ҳеч туни-кундан,
Яшаш кўп соз-а!

Бунда барча миллатлар хур,
Хуқуқда тенгдир.
Истар бўлсанг озодлик, нур,
Бағри хўб кенгдир.

Хўрланмоқдан толганларга
Кучоқ очади.
Қоронғуда қолганларга
Зиё сочади.

Қора, сариқ танлилар ҳам
Улғу, азиздир.
Дўстлик, тенглик сўзи, жўрам,
Бунда лазиздир.

Йўқ ҳақорат, камситишлар
Учрамас фироқ.
Дилтангликлар, ётсирашлар
Қолмаган муллоқ.

Шу боисдан уни олам
Ҳавас қилади.
Барча эллар севиб ҳар дам,
Азиз билади...

Тушда кўрган янги дунёнг,
Бизнинг Ватандир.
Ишон, дўстим, қолмагин танг,
Ҳақиқатдир.

Мурод УЛУҒ.

«Адолат»га жавоб берадилар

«ОМАД»НИНГ НЕГА ОМАДИ ЮРИШМАДИ?»

(«Адолат» газетаси, 1998 йил 22 май, № 20)

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди то-монидан «Адолат» газетасида босилган «Омад»нинг нега омади юришмади?» сарлавҳали мақола ҳўжалик иши ҳўжжатлари билан биргаликда ўрганиб чиқилди.

Мақолада тилга олинган ҳўжалик низоиси аслида Ўз-бекистон Республикаси Их-тирочилар ва рационализа-торлар жамияти Худудий кенгаши билан «Шоҳруд» ак-ционерлик жамияти ўртаси-да 06.11.95 йилда тузилган 1-сонли шартнома бўйича вужудга келган.

Мақор шартнома кура Худудий кенгаш (ижро эту-чи) узуи, помидор ва бошқа хил мева-сабзавот уруғлари-дан тайёрланган ҳўжжати еғи ишлаб чиқарадиган те-хнологик линияни тайёрлаш ва уни ишга тушириш, «Шоҳруд» акционерлик жа-мияти (бутормачи) эса бу ишни қабул қилиб, унинг ха-қини тўлаши лозим бўлган.

Шартномани ижро этиш ҳараидида тарафлар шарт-нома шартларини қисман ўз-гаришишга қарор қилишган ва «Омад» акционерлик жа-миятининг розилиги билан буюртмачининг, яъни «Шоҳ-руд» акционерлик жамияти-нинг барча ҳўқуқ ва мажбу-риятларини ўтга берган. Бу ҳақда мақор 1-сонли шартномага қўшимча сифа-тида 06.08.96 йилда уч то-монлама келишув тузилган.

Шартномада тарафлар-нинг алмашинуви бу билан тугамган.

24.04.97 йилда худудий кенгаш (ижро эту-чи) 1-сон-ли шартнома бўйича ўз ҳўқуқ ва мажбуриятларини Ўзбекис-тон Республикаси Ихтирочилар ва рационализиаторлар жа-миятининг Бўхоро вилоят кенгаши билан ижро эту-чи сифа-тида Бўхоро вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан билан, яъни «Омад» акционер-лик жамиятининг (бутормачи-нинг) иштирокисиз рас-мийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ихтирочилар ва рационализи-аторлар жамиятининг Бўхоро вилоят кенгаши шартнома бўйича янги ижро эту-чи сифа-тида Бўхоро вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан билан, яъни «Омад» акционер-лик жамиятининг (бутормачи-нинг) иштирокисиз рас-мийлаштирилган.

Хўжалик иши ўчта суд ин-станцияда қўрилган ва барчаси-да даъво талаби рад қилинган. Мақолада «1996 йилнинг ав-густ ойида» шартномада қўр-сатилган барча ишлар бажари-либ, усуналар ишга тушири-либ...» дейилган. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳаттоки, даъвогар Ўзбекистон Рес-публикаси Ихтирочилар ва ра-ционализиаторлар жамияти Бўхоро вилоят кенгашининг ўзи ҳам даъво аризасида улар шарт-номада қўрилган ишни 1996 йилининг 16 октябрида ба-жаришганини қўрсатган.

Аммо суд мажлисида аниқ-ланишча, усимлик еғи ишлаб чиқарадиган линия 1996 йи-лининг 16 октябрида ишга ту-рилмасдан, у иш судда қўри-лган қадар ҳам ишга туши-рилмаган («Омад» акционер-лик жамиятининг худумлари — Ш. Ахороров, Р. Исмоилов, И. Бо-зоровларнинг қўрсатмалари).

Мақолада ҳўжалик суди то-монидан ўз. Р.Кўнинг 313-мод-дасини тўғри қўлланилиши шўбох остига олинган. Бу ер-да Худудий кенгашининг ўз ҳў-қуқини бошқа шахсга бериши билан биргаликда у ўз мажбу-риятини ҳам бу шахсга берган-лиги муаллиф томонидан эъти-борга олинмаган.

24.04.97 йилдаги битимда қўрсатилганича, Бўхоро вилоят кенгаши шартнома бўйича Худудий кенгашининг ҳўқуқларини ўзига олган ва 06.11.95 йил-да 1-сонли шартномага қў-ра ижро эту-чи бўлиб ҳисоб-ланган. Яъни Худудий кенгаш технологияли линияни ишга ту-шириш бўйича ўз мажбурияти-ни тулиқ бажармаган экан, ўз навобатидан бу бажарилмаган мажбуриятлар ҳам вилоят кен-гашига ўтказилган ҳисоблана-ди. Бундай ҳолатда технологияли линияни охиригача ишга туши-ришга мажбур бўлган «Ижро-этувчининг шахси» «Омад» ак-ционерлик жамияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Суд ҳам Худудий кенгашининг ижро эту-чи сифа-тида Бўхоро вилоят кенгаши билан алмашинуви «Омад» акционерлик жамияти-нинг розилиги бўлмаганлиги-ни асос қилиб, тарафларнинг алмашинувини ҳақли равишда тан олмаган.

Мақолада эътироф этилган-лики, Олий ҳўжалик судининг судлов таркиби ишнинг қас-сация тартибидан қўришда то-монларнинг илтимоси билан ишни қўришни бошқа кўнга қолдирган.

Мақолада қайд этилган иш-да ҳам суднинг таркиби ўзгар-ган, аммо суд таркибининг ўз-гариш сабаблари тарафларга ўз вақтида эълон қилинмаган. Бунинг учун айбдор шахслар-га Олий ҳўжалик судининг Раиси томонидан интизомий жа-зо чораси қўлланилган. Хўлоса сифа-тида таъкид-лаш мумкинки, муҳбир мақо-лада «Омаднинг омади кел-маганлиги сабабини аниқлаш-да тарафлар ўртасида шарт-нома шартларининг лозим да-ражада барилмаганлиги, яъни ижро эту-чи томонидан линиянинг ишга туширили-шга эътибор қаратмас-дан, низоини вужудга келтир-ган омилларни иш ҳолатидан эмас, балки суднинг фаолият-тидан қидиришга ҳаракат қил-ган.

Тушунмиш, бундай ҳўлоса-га келиш муаллифининг ҳўқу-қидир. Аммо ишни тўғри аниқ-лаш керакики, Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясининг 114-моддасига қўра, суд то-монидан чиқарилган ҳар қан-дай ҳўжжатлар барча давлат органлари, қорхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда фуқа-ролар учун мажбурийдир.

Мурод АЗИМОВ,
Ўзбекистон Олий
ҳўжалик суди Раисининг
ўринбосари.

«ҚУВА ҚАНДОЛАТИНИНГ ЭРТАСИ БОРМИ?»

(«Адолат» газетаси, 1998 йил, 12 июнь, № 23)

Мақор сарлавҳа остида берилган танқидий мақо-лада Қува қандолат фабрикасида юзга келган муам-молар хусусида фикр юритилиб, унинг истиқболи би-лан боғлиқ мулохазалар қаламга олинган эди. Мақо-ла юзасидан шундай жавоб олинди.

Газетда босилган ушбу мақолага биз ўзимиз-нинг ҳақиқатдан ҳам тўғри муносабатимизни бил-дирган ҳолда ечимини қўтаётган муаммолар хусу-сидидаги мулохазаларимизни ҳам ўртоқлашимизни ло-зим топдик.

Фабрика ишга тушган дастлабки йилларда қор-хонани хом-ашв билан таъминлашни бевосита «Ўз-бекбирлашу» ўз зиммасига олиб, ана шу мақса-да бошқарув «Ўзкоопташхисавдо» айланма мабла-гидан 1500 тонна шакор, 1000 тонна урор қозо-лари, 10 тонна ранг, 10 тонна эссенция, тонналар қа-казо, қуруқ сўт ва 20 дан ортиқ қандолат маҳсу-лотлари учун зарур бўлган химикатларни етказиб берди.

1995 йили эса яна «Ўзбекбирлашу» бошқару-вининг ёрдами тўғрисида Қирғизистон Республика-сидан «Клиринг» асосида 1000 тонна патока олиб келинди.

Ишлаб чиқариш суръатини пайсатирмаслик мақ-садида «Ўзбекбирлашу» бошқаруви билан қорхо-на маъмурияти фабрикани хом-ашв билан таъмин-лашда 1996—1998 йиллар мобайнида бор имко-ниятларини ишга солиб келмоқдалар.

Қўрилган чора-тадбирлар натижаида 1994—1998 йилларда 13 миң тоннага яқин қан-долат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, халқимиз-га етказиб берилди.

Қандолат фабрикаси лойиҳасида 12,5 миң тон-на маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга деб юритилса-да, ҳақиқатда эса 8,2 миң тонна қу-ваатга эга. Чўки 440 тонна вафли, 912 тонна шарқ ширинликлари ҳамда 2,5 миң тонна карамель иш-лаб чиқаришга мўлжалланган усуналар замон та-лабига жавоб бермаслиги боис ўрнатилмаган. Ҳозирги кунда чет элдан янги технологияли ли-нияларни ўрнатиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Қандолат фабрикаси ишлаб чиқариш қувватидан тулиқ фойдаланиш, унинг қувватини янада ошириш, ҳақон бозори та-лаблари даражасида ва рақобат-бардош маҳсулотлар турини қу-лайтириш, қолаверса, уларнинг

Биринчидан, чет элдан валютага сотиб олиб ке-линмадиган урор қозоғлари ҳамда қандолат мате-риаллари ишлаб чиқарадиган Республикада ягона офсет-литография комбинатини қўриш ва уни 2000 йилгача ишга тушириш мақсадида жуда катта иш-ларни амалга ошириш. Ҳозирги кунда Олмония-нинг жиҳозлар етказиб бериши заводалари билан контрактлар тузилиб, барча тегишли ҳўжжатлар қў-риб чиқиш учун Республика Вазирилари Маҳкамасига топширилди.

Иккинчидан, маҳсулот турини қўлайтириш мақ-садида иккита чет эл жиҳозлари сотиб олиш кўзда тутилган.

Четта маҳсулот чиқариш, чет эл сармоясини олиб келиш бугунги кунда қорхонамиз жамоаси олдида турган асосий вазифалардан биридир. Шу мақса-да Қирғизистон Республикасининг Ош шаҳрида сав-до уйи очилди. Шу йил июлдан бошлаб дастлабки маҳсулотни Ош шаҳрига экспортга чиқариш иш-лари амалга оширилмоқда.Жорий йилнинг охирига қа-дар 300 тонна печенье, 300 тонна қанд маҳсуло-лари сотиш юзасидан аниқ режа белгиланган. Бу-нинг эвазига Қирғизистондан патока ҳамда шакор олиб келиш кўзда тутилмапти.

Қува қандолат ишлаб чиқариш комбинати жа-моаси «Адолат» газетаси редакциясини, олдимизга қўйган аниқ режа билан иштириб айтимакчи, ком-бинатини эртаси порлоқ, барчани кўч-гайрати, икки комбинатимизни юксалтиришга, маҳсулот сифати-ни яхшилашга, қўшимча ишчи уринлари ташкил этишга қаратилган.

Гофуржон ИСМОИЛОВ,
Қува қандолат ишлаб чиқариш
комбинати директори.

ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Йўлбошчимиз
Ислом Каримов-
нинг «Тафаккур»
журнали Бош му-
ҳаррири саволла-
рига берган жавоб-
лари асосида Жиз-
зах вилоятининг
шаҳар ва туманла-
рида ёшлар билан
очик мулоқотлар
бўлиб ўтмоқда.

Жиззах шаҳрининг «Ҳамзабод» маҳалла гу-зарида бўлиб ўтган очик мулоқот «Ёшларнинг жа-миятдаги ўрни» мавзуи-га бағишланди. Му-лоқотда мамлакатимиз миллий мафқурасини яратишда ёшларнинг ҳиссаси, бу борада ол-динда турган вазифалар ҳақида узаро фикрла-шиб олинди. Давра суҳ-бати қатнашчилари мил-лий гоя ва мафқурани ривожлантириш ҳақида ўз фикрларини баён қи-либ, бунинг учун жамя-тимизнинг барча қат-ламлари вакиллари бир-галикда ҳаракат қилиши, бу билан мустақиллиги-мизни мустаҳкамлашга ҳисса қўиши зарурли-гини таъкидладилар.

